

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
QARORI

6 Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 25 июлдаги 228-сон қарорига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида» 2013 йил 27 июндаги ПҚ–1989-сон қарорини бажариш юзасидан, олий таълим муассасаларида «Электрон таълим» миллий тармоғи фаолиятини такомиллаштириш ва бошқариш, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларини янада фаол жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказини ташкил этиш тўғрисида» 2012 йил 25 июлдаги 228-сон қарорига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ю. Ходиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 6 январь,
4-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2016 йил 6 январдаги 4-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Таълим
муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказини
ташkil этиш тўғрисида» 2012 йил 25 июлдаги 228-сон
қарорига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. 2-бандга қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:
«Таълим» ахборот тизимлари мажмуасининг олий таълим қисмини ишлаб чиқиш, жорий этиш ва қўллаб-қувватлаш;
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг расмий веб-сайтини такомиллаштириш».
2. 5-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:
«Марказни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташkil этиш бош илмий-методик марказининг Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 3-уй манзилидаги биносига ижара тўловисиз жойлаштирсин».
3. Илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш марказининг
ТУЗИЛМАСИ**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 26 киши,
шу жумладан бошқарув ходимлари — 21 киши».